

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЕР
РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЯНГИ ВА
ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ.**



Фермер хўжалигининг ер ҳудудини ташкил этиш деганда, хўжалик ва унинг бўлинмалар ташқи чегаралари, уларнинг ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар, алмашлаб экиш, аҳоли пунктлари, йўл ва сув шахобчаларини ташкил этиш ва корхона ҳудудида жойлаштириш тушунилади.





Ерларнинг бир турдан бошқа турга ўтиб боришига ер трансформацияси деб аталади. Бунда ер трансформациясининг асосий қонуни ердан унумли фойдаланиш, унинг унумдорлигини муттасил ошириб бориш, кам унумли ерлардан юқори унумли ерларга ўтиб боришдир. Чунки ер миқдор жиҳатидан (макон жиҳатидан) чекланган, ундан тўғри фойдаланилгандагина унумдорлиги ошиб бориши мумкин.


Қишлоқ хўжалик корхоналари ер ҳудудларини ташкил этишда қуйидаги тамойилларга (принципларга) амал қилишлари керак:

- ер давлат мулки эканлиги ва ундан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаб бориш, ердан фойдаланиш давлат томонидан назорат қилиб турилишини эсда сақлаш;
- ер ҳудудининг доимийлиги, яъни у ер ердан фойдаланувчиларга «Ер кодекси»га биноан абадий фойдаланиш учун ижарага берилишини назарда тутиш;

- ер фойдаланувчилар учун абадий ёки узоқ муддатга ижарага берилиши, уни тубдан яхшилаш, тупроқ унумдорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган йирик тадбирларни амалга ошириш, уларнинг натижасидан манфаатдор бўлишни таъминлайди;
- корхона ер ҳудудининг яхлит бир массив (ҳудуд) бўлиши. Бунинг моҳияти шундан иборатки, агарда корхонанинг ер майдони бир жойда мужассамлашган бўлса, корхона фаолиятини ташкил этиш, йўл, транспорт, ишлари, улар билан боғлиқ бўлган харажатлар қисқаради, бошқариш, алоқа осонлашади;



Ердан тўла ва самарали фойдаланишни ташкил этиш учун ер тузиш ишлари ўтказилади. Ер тузиш ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини амалга оширишга, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этишни ташкил қилишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга, ер тузиш ишларининг ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади.



Хўжаликлараро ер тузиш ишларига қуйидагилар киради:

1.Жойнинг ўзида овуллар, қишлоқлар, посёлкалар, туманлар, шаҳарлар, вилоятларнинг чегараларини белгилаш. Яна бу субъектлар ўртасида ер муносабатларини ҳал қилиш.

2.Ерларнинг жойлашишидаги ноқулайликларни бартараф этиш, мулкдорларни, янги ер эгаларини ва ердан фойдаланувчиларнинг ер участкаларини ташкил этиш ҳамда мавжудларини тартибга солиш лойиҳаларини тузиш.

3. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ер ажратиб бериш лойиҳаларини тузиш.

4. Бузилган ерларни рекультивация қилиш, тупроқни хар хил турдаги эрозиядан сақлаш, қишлоқ хўжалик ерларини яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш бўйича ишчи лойиҳаларни ишлаб чиқиш.

5. Ерларни ресурс сифатида баҳолаш ва баҳолаш тадбирларини ўтказиш.



Хўжаликлараро ер тузиш ишлари лойиҳанинг маъмурий туманни ривожлантиришнинг бош схемасида тўла акс этган бўлади. Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳалари тасдиқлангандан кейин ердан фойдаланувчиларнинг ер участкалари чегаралари белгилаб қўйилади. Хўжаликлараро ер тизим ишлари лойиҳаси вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади.



Хўжалик ичидаги ер тузиш ёки ички хўжалик ер тузиш лойиҳаси қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер ҳудудида илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилиш, барча қишлоқ хўжалик ерларини (экинзорлар, яйловлар, боғлар, токзорлар ва ҳ.к) жойлаштиришини назарда тутди.

Ички хўжалик ер тузиш ишлари икки қисмдан – лойиҳалаш ва уни амалга ошириш календарь муддатидан иборат бўлади. Ички хўжалик ер тузиш ишлари ер эгаси бўлган давлат ёки ердан фойдаланувчилар томонидан қўйилиши мумкин.

